



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2015-yil 24-sentyabr, payshanba, 39 (619)-son

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, раванг ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар билдирилган.

- Жумладан:**
- Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Халифа бин Зойд Ол Наҳаён**
 - Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**
 - Абу Даби валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Кучлари Бош қўмондони ўринбосари **Шайх Муҳаммад бин Зойд Ол Наҳаён**
 - Умон Султони **Қобус бин Саид**
 - Иордания Подшоҳи **Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Ҳусайн**
 - Кувейт Давлати Амири **Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**
 - Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ Саид Ҳусайн ас-Сиси**
 - Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййиб Эрдоған**
 - Эрон Ислам Республикаси Президенти **Ҳасан Роҳоний**
 - Қатар Давлати Амири **Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний**
 - Қатар Давлати Бош вазири, ички ишлар вазири **Шайх Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Соний**
 - Қатар Давлати Валиаҳди **Абдуллоҳ бин Ҳамад Ол Соний**
 - Фаластин Давлати Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси **Маҳмуд Аббос**
 - Туркменистон Президенти **Гурбангули Берdimухамедов**
 - Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали Раҳмон**
 - Қирғизистон Республикаси Президенти **Алмазбек Атамбоев**
 - Ислам ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби **Ияд бин Амин Мадааний**
 - МДҲ динлараро Кенгаши ҳамраиси, Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси **Шайх-ул-ислом Оллоҳшўхур Пошшоода**
 - Саудиялик ватандошлар **Сафоҳон Жалолхон Тўра Марғилоний** ва бошқалар ўз табрикларини йўллаганлар.
- Қутловлар келиши давом этмоқда.



Солиқ, ЗОИР опан суратлар

ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ҲАМ, ХОМ АШЁ ҲАМ ЎЗИМИЗНИКИ

Мамлакатимизда тadbirkorлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кенг қўламадаги ислохотлар натижасида бугунги кунда нодавлат сектор иқтисодиётининг деярли барча соҳаларида устувор аҳамият касб этмоқда. Яъни, ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортигини ишлаб чиқармоқда. Бу тармоқда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 75-77 фоизи бандлиги таъминланган.

Қайд этиши керакки, O'zLiDeP реал сиёсий куч сифатида ўзини намоян эътиборининг сабаби ҳам айнан мулк эгалари — тadbirkor ва фермерлар, хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари таянгани ва суянганидир. *Поиттахтимиздаги «Toshkent mebel» МЧЖга партиямиз фаоллари етакчилик қилишди. 2014 йилда 1 млрд. сўмлик, жорий йилнинг 8 ойи мобайнида эса 700 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маслаҳатчиларимиздан иборат 40 кишилик элмасоқ чинор, қайраоч, ёпоқ хом ашёдан испан технологияси асосида мебеллар тайёрламоқда. Уларнинг сифати энг талабчан буюртмачилар ва мижозларга ҳам манзур бўлаётди. Бунда миллий хунармандчиликнинг классик усуллари қўлланилаётгани ҳамда маҳсулотнинг арзонлиги асосий омилдир. Корхона Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда ўз маҳсулотларини хорижга сотиш борасида ҳам фаол иш олиб борапти.*

1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Устоз Бибисора, тadbirkor Бибисора

Ҳазораспик Бибисора Отажонава Хива тиббиёт билим юртини битириб келганида туғилиб ўсган хонадонда байрам бўлиб кетган эди

Бугун Мухомон қишлоғи бир бўлиб қувонгани. Бойси овулда ўрта тиббиёт ходимларининг ўзи бармоқ билан санари эди. Ҳамшира келин — ҳар бир уйнинг орузи. Аммо ўз кўчаси, ўз маҳалласи, ўз қишлоғидан келган совчиларга рад жавоби берилди. Улар келтирган, новот тутилган туғунлар очилмади. Одоб билан узр сўраб қўйилди, холос. Қўшни Санотат қишлоғидан совчилар келганида онасининг саволига Бибисора билинар-билимас бош силкиди. Шу йўсинда касбу корли, ақлу орли йигит Сафарбой Камоллов билан оила қуриши, ували-жували бўлиши.

Хонадонда Ҳазораспнинг ҳаммага манзур олмасидан ўн тул бор эди. Хусайни тоқлар барчанинг ҳавасини келтирарди. Келин қутлуг қадами ни кўйгач, уйнинг олди, тоқларнинг ёни гулзорга айланди. Бибисоранинг ўзига гулдаста кўтариб келадиганлар сони ҳам кўпайди. Чунки у ақушер-ҳамшира бўлгани учун қанчадан-қанча ўғил-қизларни қўлига олиб, йўрғаклади. Биринчи бўлиб митти жонларнинг юзидан ўпди. Олқиш олди.

Ҳазорасп Буюк ипак йўлининг дарбандида жойлашгани учун азал-азалдан қўли гул хунармандларига эмас, Аградан Аштархон-гарча бозорларнинг танобини тортиган тижоратчилар диёри. Мамлакат мустақилликка эришгач, бу ерда ишбилармонлар сафи бир неча баробарга ўсди. Яширадиган жойи йўқ; Ҳазорасп буюм бозори улкан темир йўл бўйида жойлашгани учун минтақада муқим мавқени эгаллади. Бибисоранинг таниш-билишлари, дугоналаридан кўпчилиги ўзини бозорга уришди, савдо-сотикни ривожлантиришди. «Биз эрталаб уруғ экиб, кечкурун жарақ-жарақ ҳосилини санаб оляпмиз. Сен ҳам ёни-мизга кел. Музқаймоқ сотсанг ҳам ошиғинг олчи бўлиб кетади!» дейиши. Бибисора бозорга боришга шошилмади. «Мен бозорга ўз товарим билан чиқаман!», деди.

Яъни ният — ярим мол. 2011 йилнинг Наврўзида Бибисора хусусий корхона очди, анъанавий сумалакни ўзи таъсис этган жамоа билан қайнатди. Аввал ўзи тикувчилик машинасида бежирим либослар тик-

кан эди. Бугун тикув цехида 7 киши дорбандида жойлашгани учун 100 миллион сўм кредит берганди. Муддатидан олдин қайтарилди. Бибисора O'zLiDeP аъзоси, партиянинг бошланғич партия ташкилоти раиси. 11-Ойбек сайлов округидан халқ депутатлари Ҳазорасп туман кенгаши депутати.

Энг асосийси, Бибисора ўз корхонасида «Устоз-шоғирд» мактабининг очди. Мактабга касб-хунар коллежларининг 12 нафар битирувчисини қабул қилди. Улар кунт билан касб ўрганмоқдалар, тикувчилик сирларини ўзлаштирмоқдалар, ўз оиласи бюджетининг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқдалар.

— Бибисора опанинг мураббийлик мактабини битириб, ўз бизнесини йўлга қўйдим, — дейди ишбилармон аёлнинг шоғирди Зумрад Абдуллаева. — Янги ишимда устозимнинг ўғитлари, тажрибаси жуда қўл келяпти. Бир мен эмас, шу мактабда иш ўрганган дугонам Гулсатра ҳам хусусий корхона очди, тижорат банкидан кредит олди. Тез орада сафимиз янада кўпайишига ишончим комил.

ПАХТА-2015

ПАРТИЯ ИЛГОРЛАРНИ РАФАТЛАНТИРМОҚДА

Жорий йилда 108 минг 500 гектар ерга чигит эккан Жиззах вилояти фермерлари фаолиятида долзарб дамлар бошланди



Машаққатли меҳнат вазағи еттиштирилган ҳосилни қисқа муддатда йиғиб-териб олишга жиддий эътибор қаратилган. Вилоятнинг 229 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларда O'zLiDeP аъзолари ва партиядан сайланган депутатлар ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар.

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши ташаббуси билан пахта далаларида тушиқ пайтда теримчилар билан турли учрашувлар ўтказилди. Мулоқотлар давомида илгорлар рафбатлантирилади. Жумладан, Дўстлик туманидаги «Ҳожи бобо» фермер ҳўжалиги раҳбари Бахтиёр Хусанов ҳамда «Чаман чароғон» фермер ҳўжалиги етакчиси Шерзод Алиевга O'zLiDeP ҳамда Фермерлар кенгашининг ташаккурномалари ва эсдалик совғаларига топширилди.

O'zLiDePнинг халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларидаги депутатлари ва партия фаолларидан ташкил топган тағрибот гуруҳлари бундай тadbirkorлири Мирзачўл, Арнасой, Пахтакор, Зафаробод, Зарбдор туманларида ҳам ўтказишди.

ТАШАБУСКОР ГУРУХ

пахта йиғим-теримига кўтаринки руҳ бағишламоқда

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон вилояти бўлими ва сиёсий партияларнинг ҳудудий кенгашлари ташаббуси билан тузилган маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, фаол ёшлар ва депутатлардан иборат 100 кишилик гуруҳ «Миллий бойлигимиз бўлган пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшайлик!» шиори остида барча ҳашарчиларга урнат бўлмоқда.

Вилоят ҳокими Шўхратбек Абдураҳмонов ташаббускор гуруҳ ҳузурда бўлиб, миннатдорчилик билдирди.

— Бу йил 70 га қирдим. Аммо ўзимни ёшлардек ҳис қилаяпман, — дейди Олтинқўл туманидаги «Олтин Водий Гулшани» фермер ҳўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Сиестхон Абдуллаева. — Далани ҳар қуни бир айланиб чиқаман. Ҳосилин қўриб қувонаман. Деҳқон ҳаётидаги энг муҳим паллада қўллаб-қувватлаётган ҳашарчиларни қўриб, бошим осмонга етди. Насиб этса, ҳадемай маррага етамиз, юзимиз янада еруғ бўлади. Бизга далда бўлиб, қўллаб-қувватлаётган гуруҳ аъзолари эса хирмонимиз янада баракали бўлишига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Тушиқда ташаббускор ҳашарчилар ҳамда ҳўжалик аъзолари учун файзли дастурхон ёзилди, муносиқ дастур намоийш этилди. Илгор теримчиларга сиёсий партиялар томонидан эсдалик совғалари тақдим қилинди.

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА



Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида Олий Мажлис ҳузуриндаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

АТЛАС БАЙРАМИ

Атлас, адрес, шойи, беқасам, банорас, харир, чит, бўз каби матолари билан машҳур бўлган хунармандлар шаҳри — Марғилонда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Атлас байрами» миллий матолар фестивали ўтказилди. Буюк Британия, Руминия, Жанубий Корея, Эстония, Бангладеш, Германиядан ташриф буюрган меҳмонлар маҳаллий хунармандлар ва ишбилармонлар билан суҳбатда бўлишди.

— Истиклол туфайли миллий маданиятимиз ва санъатимизни дунёга кўрсатиш имконияти туғилди. Ушбу фестиваль ҳам хунармандчилигимизнинг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, азаллий анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш, ёш авлод қалбига халқ амалий санъатига меҳр-муҳаббат уйғотиш, дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадларга хизмат қилади, — дейди «Хунарманд» уюшмаси шаҳар бўлими раҳбари Расулжон Мирзаахмедов. Тadbirkor доирасида ўтказилган либослар намоийши йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди. Фестиваль якунида шаҳар маданият ва спорт бўлимининг «Чодир жомол», «Омонёр» фольклор дасталари, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг истеъдодли ўқувчилари ижросидаги мумтоз ашулар иштирокчиларнинг давомли олиқшларига сазовор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти	1 Австралия доллари	1850,23	1 АҚШ доллари	2615,91	1 Хитой юани	410,68	1 Польша злотийси	705,97	1 ЕВРО	2974,92
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 22 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боқхона ва бошқа мажбурий туловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)	1 Англия фунт стерлини	4038,70	1 Миср фунти	334,09	1 Россия рубли	38,46	1 СДР	3683,59	10 Жанубий Корея вони	22,11
*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни илбу йилдаги сотиш киви сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	1 Дания кронаси	397,95	1 Исландия кронаси	20,66	1 Украина гривнаси	120,56	1 Туркия лираси	859,96	10 Япония иенаси	217,54
	1 БАА дирҳами	712,32	1 Канада доллари	1975,17	1 Малайзия ринггити	606,52	1 Швейцария франки	2703,22		

МУНОСАБАТ

«ҚЎМИТА ФАОЛИЯТИ



ИЗЧИЛЛИК — БОШ МЕЗОН

Бугун мамлакатимиз саноатда юқори ўсиш суръатлари кузатишмоқда. Мисол учун, биргина жорий йилнинг биринчи ярмида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,1 фоизга ошгани фикримиз тасдиғидир. Бундан англашиладики, соҳанинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга қаратилган қатор қонунлар тайёрланиб, ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётгани ўз самарасини бермоқда

Хўш, ана шу жараёнда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг О'zLiDeP фракцияси масъулигидаги Саноат-қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси қандай иштирок этмоқда? Мазкур қўмита жорий йилнинг ўтган даврида қонун ижодкорлиги йўналишида қандай амалий ишларга қўл ўрди? Биз шу каби саволлар билан қўмита раиси Баҳром Ниёзатовга мурожаат қилдик.

— Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий асоси бўлган миллий қонунчилик тобора такомиллаштириб боришмоқда, — дейди суҳбатдошимиз. — Қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнига мослиги таъминланаяпти. Жорий йилдаги фаолиятимизга назар ташлайдиган бўлсак, ишимиз натижаси қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил, сайловчилар билан ишлаш йўналишларида аққол кўзга ташланади.

Қўмитамиз қонун ижодкорлиги доимий ҳаракатдаги жараён эканлигини ҳисобга олиб, жорий йилда «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилинишига эришди. Эътиборли жиҳати шундаки, қўмитамиз томонидан қонун лойиҳалари бўйича билдирилаётган таклифлар маълум маънода тадбиркорлар ва фермерлар манфаатларига хизмат қилаётди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун орқали тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда улар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатидан таъсис ҳужжатларини чиқариб ташлашни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш таклиф этилмоқда. Бу ўз навбатида, ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, максимал даражада қулай инвестиция иқлимини шакллантириш, тадбиркорлик фаолияти йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг ошқоралигини ошириш, шу асосда тадбиркорлик фаолиятини юритиш шароитларини тубдан яхшилашга имкон яратаяпти. Зеро, О'zLiDeP Сайловолди платформасида алоҳида урғу берилганидек, тадбиркорлар ва ишбилармонлар фаолиятига ҳалақат қилаётган бюрократик тўсиқларнинг бартараф этилиши уларнинг салоҳияти ва имкониятлари тўла рўёбга чиқишига ёрдам беради.

— Баҳром Бахтиярович, қўмитанинг жорий йилнинг ўтган давридаги назорат-таҳлил фаолиятига қандай баҳо берасиз? Бу амалий жараёнда О'zLiDeP электорати манфаатлари доирасида қандай ишлар амалга оширилди?

— Сўзимни бевосита О'zLiDeP электорати манфаатларига қаратилган қонунларнинг назорат-таҳлил фаолиятидан бошлашам. Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида», «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг амалдаги ижроси Сурхондарё ва Андижон вилоятлари мисолида ўрганиб чиқилди. Ушбу жараёнда асосий эътибор маҳаллий давлат органларининг ишбилармонлик ривожига тўсиқлик қилаётган камчиликларига қаратилди. Келгусида уларнинг такрорланмаслиги бўйича қўмита томонидан таклифлар ишлаб чиқилиб, тегишли вазирликларга жўнатилди.

Бундан ташқари, «Электр энергетикаси тўғрисида»ги қонуннинг Қашқадарё ва Наманган вилоятларидаги ижросини назорат-таҳлил қилиш жараёнида Ишчи гуруҳи таркибига депутатлар, мутасаддиқ вазирилик ва идоралар вакиллари, малакали мутахассислар жалб этилиб, соҳага доир барча норматив-ҳуқуқий база кўриб чиқилди. Ўрганиш даврида ҳар иккала вилоятдаги электр тармоқлари корхоналари фаолияти билан атрофликка танишилди, соҳа мутахассислари билан фикр алмашилди, жойларда ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳамда фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги аниқланди. Масалан, Талимаржон иссиқлик электр станциясида умумий қувватдан фойдаланиш даражаси 95 фоиз бўлгани ҳолда Муборак иссиқлик электр марказида эса ушбу кўрсаткич 50 фоизни ташкил этмоқда. Шу боис мазкур вилоятларда электр энергия таъминотида барқарорликка эришиш, истеъмолчиларнинг тўлов интизомини мустаҳкамлаш, соҳага замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш, малакали ходимлар тайёрлаш ва мавжудларнинг касбий маҳоратини ошириш бўйича олиб бориладиган ишларни янада кучайтириш бўйича амалий тадбирларни ўтказиш белгилаб олинди.

Кези келганда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қўмитага аҳолидан 311 та ариза ва мурожаат келиб тушгани ва улар қонун доирасида кўриб чиқилганини таъкидлаш жоиз.

Ақбар МУЗАФФАРОВ суҳбатлашди.

Электорат манфаатлари доимий эътиборда

Кейинги йилларда мамлакатимизда кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилиб, ишбилармонлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кўплаб қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди



Одина ЖАМОЛДИНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

Тадбиркорлик субъектларига кўплаб имтиёз ва преференциялар берилди. Хусусий мулкдорлар ҳуқуқлари ва уларнинг ҳимояси мустаҳкамланди. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тизими соддалаштирилди. Кичик бизнес тузилмаларига имтиёзли кредитлар бериш, уларнинг манфаатларини муҳофазалаш борасидаги хизматлар қўламли кенгайди. Туман ва шаҳарларда бизнесга кўмаклашувчи ах-

борот-маслаҳат марказлари, риэлторлик, бухгалтерия хўжалиқлари юришига ёрдамлашувчи корхоналар, аудиторлик хизматлари фаолияти такомиллаштирилди. Адвокатлик бюrolари, тижорат банклари, суғурта идораларининг филиал ва бўлимлари тадбиркорларга тез, қулай ва ишончли хизмат кўрсатмоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасининг ўн бешдан ортиқ, жумладан, янги тахрир-

даги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Албатта, қонун ижроси билан кучли. Шундай экан, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминлайдиган бу каби ҳуқуқий кафолатлар нафақат қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилиши, балки амалиётда ҳам унга қатъий риоя қилиниши замон талабидир. Бу О'zLiDeP Сайловолди платформасида ҳам алоҳида белгилаб қўйилган.

Худди шу маънода республи-

камизнинг барча ҳудудларида давом этаётган «2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» мавзусидаги конференция-семинар ҳам айнан шу мақсадга қаратилган билан катта аҳамият касб этмоқда.

Зеро, Президентимиз Ислоҳ Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъ-

кидлаганидек, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш истиқболдаги устувор вазифа бўлиши лозим. Бу давлат органлари ва тадбиркорлик тузилмаларининг биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштиришни талаб этади. Бошқача айтганда, таркибий ислохотларнинг янги босқичи шундай ташкил этилиши керакки, бу борада ҳукумат ва бизнес том маънода ҳамкор бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаши, ташқи омишлар сабабли юзага келадиган муаммоларни биргаликда ҳал этиши, туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини кучайтиришда яқин ҳамкорлик қилишлари даркор.

Тадбиркорлик — фаровонлик омили

Президентимиз ташаббуси билан «2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» мавзусидаги конференция-семинар О'zLiDeP фракцияси аъзолари томонидан ҳам кенг муҳокама қилинаётди



Анварбек МАТЌУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

Негаки, унинг моҳиятида иқтисодиётнинг етакчи кучига айланган тадбиркорликни янада ривожлантириш, мамлакат ялпи ички маҳсулотига кичик бизнеснинг улушини изчил ошириш каби муҳим вазифалар мужасамдир.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисоди-

ёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ўтган давр мобайнида соҳага кенг эркинлик бериш, турли тўсиқ ва ёғаларни бартараф этишга оид қатор ҳужжатларнинг амалиётда татбиқ қилиниши натижасидир. Айниқса, Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусу-

сий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши тадбиркорларни солиқ ва статистика ҳисоботларини топшириш, лицензияларини олиш билан боғлиқ овозгарчиликлардан халос этиб, унга келадиган вақтни ўз фаолиятини ривожлантириш масалаларига йўналтириш имконини берди. Фикримизни рақам ва далиллар орқали изоҳлайдиган бўлсак, соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базаси тубдан қайта кўриб чиқилиб, тўлиқ янгилашни тўғрисидаги йилларда хусусий мулкнинг

ролини ошириш ҳамда ҳимоясини кучайтиришга доир 15 дан ортиқ қонун қабул қилинди. Рухсат бериш характердаги ҳужжатларни расмийлаштиришдаги йўғимлар 2 баробар камайди. 65 статистик, 6 турдаги солиқ ҳисоботи амалиётдан чиқарилди.

Мазкур масалага партия позицияси нуқтаи назардан ёндашсак, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи меъёрларини янада қисқартириш, бозор инструментлари ва механизмларини кенгроқ жорий этиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, кичик бизнес субъектларининг кредит-молия ва хошашё

ресурсларидан, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларга давлат бююртмаларидан фойдаланишни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни давом эттириш муҳимдир. Бинобарин, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, самарали бизнес юритиш учун ортқица маъмурий тартиб-таомилларга чек қўйишга доир изчил ислохотлар туфайли юртдошларимизнинг ишбилармонлик қобилияти тез юзага чиқиб, уларнинг ишланувчанлиги боис ички бозор сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилиши баробарида бундай товарларнинг экспортдаги улуши ҳам кўпаймоқда.

Замонавий божхона хизматини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари

Амалдаги Божхона кодекси қабул қилинганидан буён 20 йилга яқин вақт ўтди. Тобора ривожланиб бораётган давр ҳамда соҳада тўпланган тажриба божхона ишини халқаро стандартларга мос, тарқоқ қоидаларни умумлаштирувчи ягона қонун ҳужжатлари базасини шакллантириш заруратини вужудга келтирмоқда



Меҳриддин МУҲАММАДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

Шу боис божхона процедураларига оид норма ва ёндашувларни унификациялаштириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишда шаффофликни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси лойиҳаси янги тахрирда ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат жорий йилнинг май ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинди. Ҳозирда сиёсий партиялар фракциялари ва экоҳаракат депутатлари иштирокида кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда иккинчи ўқишда модда-ма-модда кўриб чиқишга тайёрланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қонунни маромига етказиш жараёнида О'zLiDeP фракцияси аъзолари фаол иштирок этишмоқда. Фикримизча, Божхона кодексининг янги тахрирда ишлаб чиқилиши иқтисодиётнинг барча соҳаларига ислохотларни янада либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўналишида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш орқали ташқи иқтисодий фаолият жараёнини эркинлаштириш, яъни янада мақбул, кодифи-

кациялашган, тўғридан-тўғри таъсир характердаги қонунларни қабул қилиш зарурияти билан узвий боғлиқдир. Айниқса, Кодекс лойиҳасида замонавий ахборот технологияларини кенг миқёсда қўллашга

декси лойиҳасига божхона назоратининг 5 та янги шакли киритилмоқда. Ташунтиришлар олиш, божхона кўздан кечируви, товарларнинг махсус маркалар билан марказлаштириш текшириш, божхона кузатуви, товарлар чиқарилгандан кейинги божхона назорати шулар жумласидандир.

Муҳими, мазкур Кодекс лойиҳаси мамлакатимиз худудиде самарали божхона назоратини таъминлаш, товар айланмасини қатъий тартибга солиш, ташқи сав-

га тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони асосида тадбиркорлик субъектлари томонидан эътироз қилинадиган қўшимча ҳисобланган божхона тўловларининг хўжалик суди қарорига кўра ундирилиши билан боғлиқ янги тартиб жорий қилингани тадбиркорларга янада кенг имкониятлар яратди. Эндиликда тадбиркорлик субъекти божхона органини қароридан норози бўлса, яъни бу ҳақда божхона органини хабардор қилса, қўшимча ҳисобланган божхона

тўловларини ундириш хўжалик судига даъво ариза киритиш йўли билан амалга оширилади.

Умуман олганда, янги тахрирдаги Кодекснинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш ва хорижий инвесторларни кенг жалб этиш имкониятларини кенгайтиради.

Лойиҳа О'zLiDePнинг Ҳаракат дастуридаги мақсад ва вазифаларга ҳамоҳанг бўлиб, унда баён этилган нормалар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ифода этади.

дони ривожлантириш, ички бозорни сифатсиз ва контрафакт маҳсулотлардан ҳимоялашда катта аҳамият касб этади. Лойиҳа О'zLiDePнинг Ҳаракат дастуридаги мақсад ва вазифаларга ҳамоҳанг бўлиб, унда баён этилган нормалар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ифода этади.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлида-

тўловларини ундириш хўжалик судига даъво ариза киритиш йўли билан амалга оширилади.

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Унда мазкур институт ҳамда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг 2014 ва 2015 йилнинг биринчи ярим йиллиги учун ажратилган давлат субсидияси доирасида олиб борган фаолияти юзасидан ҳисоботлари тингланди. Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида институт томонидан фуқаролик жамияти шаклланиши учун яратилган ташкилий-ҳуқуқий шароитларни мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилган. Хусусан, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ННТлар роли ва нуфузини кучайтириш, жойларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шерикликни таъминлашга қаратилган тадбирлар ўтказилди. Жойлардаги долзарб вазифаларни ёритишда институтнинг худудий ОАВ билан ҳамкорлик фаолияти янада кенгайтирилди. Кўни кеча эса Парламент комиссияси томонидан «Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини тайёрлашнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар ўтказилди. Унда фуқаролик жамияти институтлари вакилларига давлат гранти танловларида иштирок этиш шартлари ва тартиби, ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш, ижтимоий шерикликни янада мустаҳкамлашга доир зарур ахборотлар тақдим этилди. Шунингдек, мамлакатимизда маънавий-ахлоқий ва тарихий-маданий қадриятларни оммалаштириш ва кенгайтириш масалалари бўйича тавсиялар берилди.

Ўз мухбиримиз.

«Ким эдигу ким бўлдик»

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида O`zLiDePнинг «Ёш олимлар ва мутахассислар танлови» доирасида ушбу мавзуда учрашув ўтказилди



Шухрат РАҲИМОВ, «XXI asr»

Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ходимлари, ёш олимлар ва талабалар иштирок этган тадбирда таълим-тарбия соҳасини юксак даражага олиб чиқиш йўлида фидокорона меҳнат қилган устоз-мураббийлар билан соҳада қўлга киритилган ютуқларнинг аҳамияти хусусида суҳбат қурилди.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда таълим тизимини ис-

лоҳ қилиш ҳамда ривожлантириш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Одина Жамолдинова. — Юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган давлат сиёсатининг самаралари ҳар қадамда намоён бўлиб турибди.

Таълим соҳасига йўналтирилаётган йиллик харажатлар Давлат бюджетининг 35 фоиздан

ортигини ташкил этишининг ўзи келажакка қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғидир. Қолаверса, Жаҳон банки томонидан эълон қилинган маълумотларда эътироф этилганидек, мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,34 фоиздан ошди. Бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ёшлар ва аёлларнинг ўз истеъдодини намоён этиши учун зарур шароитлар яратилиш, бу борада фуқаролик институтлари фаолиятини кучайтириш масалаларига O`zLiDePнинг Сайловолди платформида ҳам кенг ўрин берил-

ган. Айниқса, таълим тизимида ислохотларни чуқурлаштириш орқали мазкур соҳанинг халқаро мезон ва андозаларга мослигини таъминлаш партия эътиборидаги муҳим вазифалардан биридир.

Нафақат бизнес, балки илм-фан йўналишида фаолият юритаётган ёш олимларнинг юрт равнақи йўлида олиб бораётган илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш, ижодий фаоллигини ошириш мақсадида O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан «Ёш олимлар ва мутахассислар танлови» ўтказиб келинмоқда.

— 36 ёшгача бўлган олимлар ва тадқиқотчи-мутахассислар иштирок этиши кўзда тутилган мазкур танловда қўллаб-қувватлашларимиз партия томонидан рағбатлантирилмоқда, — дейди ЎзДЖТУ магистранти Марат Эшчанов. — Бу каби лойиҳалар бизни янада чуқурроқ изланишга ундайди. Беқийс имкониятларда эътироф этилганидек, мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,34 фоиздан ошди. Бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ёшлар ва аёлларнинг ўз истеъдодини намоён этиши учун зарур шароитлар яратилиш, бу борада фуқаролик институтлари фаолиятини кучайтириш масалаларига O`zLiDePнинг Сайловолди платформида ҳам кенг ўрин берил-

ҲАШАРЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Шу кунларда мамлакатимиз далаларида ризқ-рўзимиз манбаи — пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга қизгин киришилган. Бу борада ҳашарчиларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлаётди. Уларнинг теримдан бўш пайтини мароқли ўтказиш учун эса турли маънавий-маърифий, кўнгилочар тадбирлар ташкил этилмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири Улғур турмани Шаҳрихон массивидаги 58-отрядда бўлиб ўтди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари ҳашарчилар ҳузурига отланишди.

Мулоқотда сўз олганлар пахтани ўз вақтида, нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш барчанинг бурчи эканлигини таъкидладилар. Илгор теримчилардан бир гуруҳига партия ва Фермерлар кенгашининг эсдалик совгалари топширилди. — Тадбир ташкилотчиларига раҳмат, — дейди ҳашарчилардан бири Шарофиддин Ҳошимжонов. — Маънавий рағбат кишига янги куч ва ғайрат бағишлайди. Очиги, совға оламан деб кутмагандим. O`zLiDePнинг эътибори ҳаммамизни мамнун қилди. Ҳашарчилар самимий суҳбатдан руҳланиб, хуш кайфият билан далага отландилар. Эльмира РАҲИМОНОВА.

Электоратга маънавий мадад

O`zLiDePнинг барча бўғинларидаги ходимлари пахта мавсумида фаол иштирок этиш билан бирга партия ғоялари, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг амалий натижалари тўғрисида теримчилар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, дам олиш соатларида турли маъданий-маърифий тадбирлар ташкил этишяпти



Жумладан, O`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши мутасаддилари «Ҳорманг, пахтакорлар!», дея Пастдаргом тумани далаларига чиқиб, илгор фермер ва теримчилар билан учрашишди. Шартнома режасини биринчилардан бўлиб бажарган қишлоқ мулкдорларига ташаққурнома ва эсдалик совгалари топширишди.

«Қумтепа» фермер хўжалиги раиси Фахриддин Таниев, «Мансур Ғолиб даласи» фермер хўжалиги раиси Жаҳон Омонтурдиев, «Эсабой чорва моллари» фермер хўжалиги раиси Роҳила Қаюмова, «Саховиддин балиқлари» фермер хўжалиги раиси Хуршид Жовбурдиев O`zLiDePнинг бундай эътибори электоратга маънавий мадад эканини алоҳида таъкидлашди.

Совринни «Лочин» олди

Ўзбекистон Қаҳрамони, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси Аҳмад Нарзуллаев раҳбарлик қилаётган Денов туманидаги «Лочин» кўп тармоқли фермер хўжалиги пахта тайёрлаш шартномавий режасини мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажарди

Мухриддин НУРМАНОВ, «XXI asr»

Пахта йиғим-терими мавсуми қизгин паллага кирган шу кунларда O`zLiDeP электорати бўлган фермерларнинг партия томонидан маънавий қўллаб-қувватланаётгани теримчиларни янада руҳлантириб, етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай тез ва сифатли йиғиштириб олишга ундамоқда.

Жорий йилда Сурхондарё вилоятида уч мингдан ортқ фермер хўжалиги 119 минг 600 гектар майдонда маҳаллий иқлимга мос, эртапишар, серҳосил «Бухоро-102», «Наманган-77», «Султон», «Порлоқ-1», «Беш қаҳрамон» навли ғўза ниҳолла-



— Ҳали далада ҳосил мўл. Партия томонидан кўрсатилган бундай эътибор қолган ҳосилни ҳам тез кунларда йиғиштириб олишга руҳлантиряпти, — дейди «Лочин» фермер хўжалигидаги O`zLiDeP бошланғич ташкилоти етакчиси Абдумалик Хусанов. — Бошланғич ташкилотимиз

ўз сафига саксондан ортқ аъзони бирлаштирган. Улар мавсумда фаол иштирок этиб, кунлик суръатни сусайтирилмаликка ҳаракат қилишяпти. Илгор фермер хўжалиги пахтакорлари ҳосилдорлиқни 45 центнерга етказишни мўлжаллашган.

АЁЛ — ЖАМИЯТ КЎРКИ



Истиқлол йилларида аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, билимдон, замонавий мутахассис ва малакали касб эгалари бўлиб етишишлари учун зарур шарт-шароит яратилиш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимиз ва жамиятимиз эътиборидаги энг устувор вазифалардан бирига айланди

Хотин-қизлар масаласига давлат даражасида аҳамият қаратилаётганлиги бежиз эмас. Чунки мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпрогини ташкил этишди. Уларнинг ислохотлар жараёнида фаол қатнашишлари эса жамият тараққиётини тезлатиши шакл-шубҳасиздир. Бугунги кунда опа-сингилларимизнинг нафақат ижтимоий-сиёсий, балки иқтисодий жабҳаларда фаол иштирок этаётганлиги, уларнинг катта бизнес янада чуқурроқ изланишга ундайди. Беқийс имкониятларда эътироф этилганидек, мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,34 фоиздан ошди. Бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Мухлиса Акрамова билан суҳбатимиз ҳам аёл ва жамият мавзусида бўлди.

— Мухлиса опа, аввало, бугунги кунда аёлларнинг жамиятдаги обрўсини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда бевосита O`zLiDePнинг роли ва ўрни хусусида гапириб берсангиз.

— Истиқлол шарофати билан Ватанимизда аёлни эъзозлаш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бевосита Президентимиз ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятда тугган ўрни, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги фаоллик даражаси, энг муҳими, эртанги кунимиз эгалари бўлиши соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишдаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Шу боис ҳам улар энг улғу ва энг азиз бойлигимиз — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида эл-юртга камарбаста бўлаётирлар. Буни турли жабҳаларда фаолият олиб бораётган ҳалол ва жонқур, оқил-эҳсонли, етакчилик салоҳиятига эга дўгоналаримиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Улар нафақат она ва уй бекаси, балки тадбиркор ва раҳбар, депутат ва мураббий, шифокор, оlima сифатида жамиятимиз ва хонадонларимизга фойда қилиб, тараққиётга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бундай саъй-ҳаракатлар партиянинг дастурий ғоя-мақсадларига ҳаммаҳаббат билан қўшилган.

O`zLiDeP Уставида «Партия аёлларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва тадбиркорлик фаолиятидаги ўрнини оширишга алоҳида эътибор қаратади», деб белгилаб қўйилган. Шу боис партияимизнинг фаоллигини барча даражадаги ташкилотларида опа-сингилларимиз фаоллигини оширишга биринчи даражали эътибор қаратиб келинмоқда. O`zLiDePга аъзо аёллар 96 минг 200 нафарга яқини ташкил этади. Партия таркибидаги 9480 та бошланғич ташкилотнинг 2591 тасига аёллар раҳбарлик қилишяпти. Сенаторларнинг 5, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 10 нафари O`zLiDeP фаолдир. Партияимиз илгари сураётган ғоялар, аввало, фарзандларимизда тадбиркорлик

кўникмаларини ҳосил қилиш, шу йўл орқали оилаларимиз фаровонлигига эришиш каби вазифалар бугун ҳар бир аёл, ҳар бир она қалбидаги истак билан уйғун келаяпти. Бир қатор ҳамкор ташкилотлар иштирокида «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оиллага», «Соғлом оила — мустаҳкам оила» каби партиявий лойиҳаларда фаол иштирок этувчи хотин-қизлар сони ортиб бораётди. Ушбу қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётгани фикримизга далил бўла олади.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Мухлиса Акрамова билан суҳбатимиз ҳам аёл ва жамият мавзусида бўлди.

— Мухлиса опа, аввало, бугунги кунда аёлларнинг жамиятдаги обрўсини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда бевосита O`zLiDePнинг роли ва ўрни хусусида гапириб берсангиз.

— Истиқлол шарофати билан Ватанимизда аёлни эъзозлаш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бевосита Президентимиз ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятда тугган ўрни, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги фаоллик даражаси, энг муҳими, эртанги кунимиз эгалари бўлиши соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишдаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Шу боис ҳам улар энг улғу ва энг азиз бойлигимиз — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида эл-юртга камарбаста бўлаётирлар. Буни турли жабҳаларда фаолият олиб бораётган ҳалол ва жонқур, оқил-эҳсонли, етакчилик салоҳиятига эга дўгоналаримиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Улар нафақат она ва уй бекаси, балки тадбиркор ва раҳбар, депутат ва мураббий, шифокор, оlima сифатида жамиятимиз ва хонадонларимизга фойда қилиб, тараққиётга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бундай саъй-ҳаракатлар партиянинг дастурий ғоя-мақсадларига ҳаммаҳаббат билан қўшилган.

Яна бир хайрли тадбир — «Фермер аёллар» лойиҳаси бўлиб, утган 6 ой давомида ушбу лойиҳа доирасида республика бўйича 163 та учрашув ўтказилиб, уларда 4 минг 606 нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этди. 151 нафар фермер аёл партия сафига қабул қилинди. 2015-2020 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ «Фермер аёллар», «Аёллар — инновацион ривожланиш тарафдорлари», «Замонавий аёл — бунёдкор етакчи», «Туризмни ривожлантириш» каби қатор партиявий лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

— Жамият истиқболи ва фаровонлиги аёллар руҳиятида кечадиган ўзгаришлар билан боғлиқдир. Олис қишлоқ ва туманлардаги учрашувларда кузатганларингиз — ана шундай ўзгаришлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Биласизми, бугун опа-сингилларимиз руҳиятида эртанги кунга бўлган ишончининг кучлилиги яққол сезилиб турибди. Шу боис уларда замон билан ҳамнафас яшаш иштиқи жуда кучли. Оила аталмиш қўрғоннинг тотувлиги, фарзандлар тарбияси-ю соғлом муҳит барқарорлиги бевосита аёлларимиз иродаси ва ақлу заковати билан таъминланади.

— Аёлга, ўсиб келаётган ёш авлодга эътибор — жамиятнинг келажакка эътибор, — деди тадбир якунида O`zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири З. Сапарова. — Фарзандларимизнинг жисмонан етук бўлиб вояга етиши, соғлом ва мустақил фикрловчи шахс сифатида шаклланиши учун алоҳида эътибор зарур. Ўтказилган тадбир ва тиббий-кўрик давомида аёлларимизга ўз саломатликлариغا бефарқ бўлмастик, мунтазам шифокор кўригидан ўтиб туришининг фойдали эканлиги ташкил этилди, мутахассислар томонидан тавсиялар берилди.

тига боғлиқ, Мохир ташкилотчи ва ташаббускор аёл ўз салоҳияти ва истеъдодини Ватан равнақи, юрт тараққиёти учун йўналтираётганини кўриб, қувончани кичи.

Бўлимимиз томонидан ўтган олти ой давомида 2 минг 237 та давра суҳбати, учрашув ва семинар-тренинг ўтказилиб, уларда 113 минг нафардан ортқ хотин-қиз иштирок этди. Ушбу тадбирлар давомида айниқса, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, ҳуқуқий, иқтисодий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Мутахассислар ёрдамида ўқувлар ташкил қилди. Бозор талаби, бизнес-режа тузиш, кредит олиш тартиб-қоидаларидан сабоқ берилди.

Юртбошимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони моҳиятини аҳоли орасида янада чуқурроқ тарғиб қилиш, айниқса, тадбиркорлик билан машғул хотин-қизлар фаолиятига тўлиқ эркинлик беришга қаратилган тарихий ҳужжат мазмунини билан янада яқинроқ таништириш мақсадида Бухорода ўтказилган семинарда иштирок этиб, олган таассуротларимни сўз билан ифода қилиб қўйган. Зеро, эркин тадбиркорликнинг салбий оқибатлари тўғрисида атрофлича фикр-мулоҳазалар юритилиб, тегишли тавсиялар берилди. Жорий йилда эса лойиҳа доирасида 210 дан ортқ семинар ташкил этилди. 10 минг 500 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

— Фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан баркамол ва бахтли бўлиб вояга етишлари оналаримизнинг бевосита бугунги саъй-ҳаракатларига билан боғлиқ. Орамизда доно ва тадбиркор аёл қанчалик кўпайса, эртага юрт қорига ярайдиган асл фарзандлар сафиди ҳам шунчалик ошади.

— Худди шундай, ҳамма замонларда ҳам аёлнинг баркамол фарзандлар тарбиячиси сифатидаги ўрни юқори қадрланган. Юрагининг бир томири билан оила, яна бир нозик ришта ила жамиятга маҳкам боғланган аёлларимиз хонадонларимизнинг айвазига тинчлиги, осойишталиги посбонлари сифатида эъзозланган. Партияимиз сафида мана шундай маънавий бой, оилам, фарзандим, қолаверса, «юртим, Ватаним» деб куйиладиган аъзолар йил сайин ортиб бораётганидан қалбим қувонгани. Улар орасида фақат мулкдорлар эмас, балки олимлар, шифокорлар, Зулфия номидида Давлат мукофоти лауреатлари, муаллимлардан тортиб оддий касаначиларгача бор.

Рисолат МАДИЕВА эътибор олди.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

ЭЪТИБОРДАГИ ДИВЕРАЛАР

Келажак — кичик бизнесники

Ғафуржон Бобоҷонов хусусий тадбиркорлик томон илк қадамларини 2002 йили қўйган эди. Қимирлаган қир ошар, деганларидек, яхши ният билан кичик бизнесга қўл урган берунийлик йигитнинг биринчи уринишлари беиз кетмади. Аммо дастлаб айрим тўсиқлар дуч келгани ҳам рост. Банкка борса, «тадбиркорлар палатасига йўлиқинг», дейишди. У ёқдагилар тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекциясидан ёрдам сўрашни маслаҳат беришди ва ҳоказо. Хуллас, маълум муддат қийналди

Янгибой ҚўҶҚОРОВ,
«XXI asr»

Халқимизда давлатлига барака қўша бўлиб келади, деган ҳикмат бор. Ғафуржон энг шимариб тижоратга киришганида муҳтарам Президентимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини ривожлантириш, бу борадаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган тўртта фармони келма-кет эълон қилинди. Минглаб ишбилармонлар-


нинг йўлида «яшил чироқ» порлади. Қолаверса, ўша — 2003 йили Ғафуржон сингари йигитларнинг кенгроқ фаолият кўрсатиши учун янги имкониятлар очиш, бозор иқтисодиётига янги қувват бахш этиш, ёшларда мустақам бизнес кўникмаларини шакллантириш, энг муҳими, мамлакатни ҳам, унда яшаётган инсонларни ҳам ҳалол бизнес орқали бойитишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган Тадбиркорлар ва иш-

билармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил этилди. Ғафуржон Бобоҷонов Беруний туманида биринчилар қаторида O'zLiDeP аъзоси бўлди, хусусий корхонасида бошланғич партия ташкилоти тўзди. Ҳозир куйи бўғин 11 нафар ҳаммаслағимизни бирлаштириб турибди.

— Дастлаб 4 киши ва 2 та тикув машинаси билан ўз шахсий маблағим ҳисобига иш бошлаган эдим, — дейди

Ғ.Бобоҷонов. — Кексаларни эъзозлаш йилига келиб ишчиларимиз сони 16 кишига етди. Утган йили «Микрокредит-банк»нинг 36 миллион сўмлик имтиёзли кредити эвазига 18 та замонавий тикув машиналари харид қилдик. Натижада йиллик ялпи даромадимиз 200 миллион сўмга етди. Олинган соф фойда ҳисобига 18 нафар ёши улуг отахон ва онахонларга бежирим кийимлар тикиб, соғва қилдик, дуосини олдик. Фаолиятимизнинг

ўзига хос томони шу бўлдики, касб-хунар коллежларини битириб, уч томонлама шартнома асосида бизда ишлаган ёшлардан 5 нафарига ўз бизнесини йўлга қўйишига кўмаклашдик. Таъқидлашни истардимки, мамлакатимизда тадбиркорлар, партия таянч тузилмалари, маслақдошларим тобора кўпаяётганлиги менга куч-ғайрат бахш этапти. Келажак — кичик бизнесники эканига ишончим комил.



ҒОЛИБЛАР ПОЙТАХТГА ОТЛАНИШЯПТИ

Мамлакатимизда фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш, реал мулкдорлар синфини шакллантириш асосида аграр тармоқни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир

Олим НОРЖИГИТОВ,
O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири

Бу борада O'zLiDeP томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан «Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шiori остида ташкил этилган «Ёш фермер» кўрик-танловини тилга олиш жоиз. Бошқа ҳудудларда бўлгани каби мазкур танловнинг Жиззах вилоят босқичи ҳам уюшқоқлик ва кўтаринкилик руҳида ўтди.

Партияимиздан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар ва ҳамкор ташкилотлардан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари 35 ёшгача бўлган 16 нафар фермернинг ўзи бошқараётган хўжалиқда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги натижалари, янги иш ўринлари яратиш, коллеж битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришга оид лойиҳалари билан яқиндан танишдилар.

Тегишли шартлар асосида энг юқори балл тўплашга эришган уч нафар иштирокчи — Дўстлик туманидаги «Уста Сафар ота» фермер хўжалиги раҳбари Умиджон Қодирқулов биринчи, Пахтакор туманидаги «Кўзги хирмон» фермер хўжалиги бошлиғи Бобур Сувоқулов иккинчи ҳамда Зомин туманидаги «Муртозоқул» фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Саидқулов учинчи ўринга лойик, деб топилди. Ғолиблар O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгашининг дипломи, фахрий ёрлиқлари ва ҳамкор ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

— Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, шунингдек, фермерларнинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлиги кенг йўл очилгани бунунг кунда ўз самарасини бермоқда, — дейди танлов ғолиби. — Мен дастлаб фаолиятимни 42 гектар ер майдонида деҳқончилик қилишдан бошлаган эдим. Ҳозирги кунда фермер хўжалигимиз ҳудуди 139 гектарни ташкил қилади. 2004 йилда чорвачилик фаолияти ҳам йўлга қўйилди ва бунинг учун 26 гектар ер майдони ажратилди. 2007 йилда Исроиладан сутни қайта ишлашга ихтисослашган технология олиб келинди, бу ҳақда ҳозирги кунда 12 нафар киши меҳнат қилмоқда. 8 турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилапти. Хўжалигимизда жами 29 нафар иш ўрни яратилган бўлиб, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. 2015 йилнинг биринчи ярмида балиқчилик фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Ғолиблар танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритдилар.

«Gold Doors Servise» — қишлоқдаги замонавий корхона

Хатирчи — Навоий вилоятининг пахта, ғалла, пилла ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик туманларидан бири

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI asr»

Айтиш жоизки, бу ерда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши кейинги йилларда муттасил ошиб бораётгани соҳани ривожлантириш, қишлоқда сановатли олиб кириш, мулкдорлар сафини янада кенгайтиришга қаратилган катта эътибор натижасидир.

— Жорий йилнинг дастлабки олти ойида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида 14 миллиард 564 миллион сўмлик 113 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди, — дейди туман ҳоқими, O'zLiDeP аъзоси Ғофур Алиев. — Натижада 184 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозиргача кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини ривожлантириш учун 21 миллиард 681 миллион сўмлик

кредитлар ажратилган бўлса, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида қурилиш, саноат, чорвачилик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш йўналишига яна 42 миллиард 360 миллион сўм маблаг йўналтирилди.

— Мамлакатимизда ишбилармонларнинг қўллаб-қувватланиши туфайли ўтган йили биз ҳам ўз бизнесимизни бошладик, — дейди «Gold Doors Servise» хусусий корхонаси раҳбари Иқром Эрматов. — Бозор муносабатлари шaroитида рақобат кучли бўлади. Шу боис лизинг асосида Хитойдан турли дизайн ва шаклдаги эшиклар ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технологияни келтириб ўрнатдик. Бунда АТБ «Микрокредитбанк»нинг туман бўлимидан олинган 100 миллион сўмлик кредит қўл келди.

Бошламасига 5-6 та иш ўрни яратилиб, шунга яраша турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бугун корхона фаолияти коллеж битирувчилари ва маҳаллий ёшлар ҳисобига кенгайтирилган. Ҳозир 15 нафар ишчи меҳнат қилаётир. Малакали ҳодим Улуғбек Муҳиддинов «Устоз-шоғирд» анъанаси асосида ёшларга замонавий технологиялар билан «тил»лашиш илмидан сабоқ бермоқда.

Корхона иш қирувчиси Хуршид Имомовнинг таъқидлашча, маҳсулот ишлаб чиқаришда микозларнинг хоҳиш-истаги биринчи навбатда ҳисобга олинади. Унга кўра, эшиклар турли дизайнда тайёрланиб, микоз истаги бўйича нақшлар ўйилади ҳамда хоҳлаган қўриқилган шийа ойналар қўйиб берилади. Бу эса корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлган талабнинг нафақат

туман миқёсидаги корхона, ташкилот ва муассасалар, балки қўшни ҳудудлар аҳолиси ўртасида ҳам ошишига имкон яратмоқда. Айни чоғда корхонада ҳар кун 20-25 та, бир ойда эса 600-700 тадан ортиқ хорижликдан асло қолишмайдиган, бежирим эшиклар ишлаб чиқарилаётир.

— Бозор конъюнктураси ва микозлар талабини ўрганишларимиз туфайли шундай хулосага келдикки, бугун ошхона ва ётоқхона мебелларига талаб анча юқори, — дейди И.Эрматов. — Шу боис айни йўналишда маҳсулот турларини кўпайтириш устида иш олиб бораёلمиз.

Умид қиламизки, Хатирчи қишлоқларида «Gold Doors Servise» сингари хусусий корхоналар кўпайиб, улар келажакда юртимиз раванқига, эл-орт фаровонлиги ошишига муносиб ҳисса қўшишад.

Аббоснинг «Имкон»и

Кўқонлик Омонжон ака Холмирзаевнинг хонадони Ватанимизнинг энг улуг, энг азиз айёми — мустақилликнинг 24 йиллигини қўшалоқ байрам сифатида нишонлади. Боиси ўғли Аббосбек Президентимиз фармонида мувофиқ «Шухрат» медали билан мукофотланди

Ахроржон МУСУРМОНОВ,
«XXI asr»

Кўқонликлар азалдан туннинг қоқ ўртасида ҳам минадан ипни кўзни юмиб ўнказадиган ишбилармонлар саналишад.

O'zLiDeP аъзоси Аббосбек Холмирзаев ҳам ўшаларнинг бири. У 2000 йили ўз маблагини ҳисобидан «Имкон» ишлаб чиқариш-савдо корхонасини очди. Дастлаб 10 нафар ишчи билан пластмассадан 5 турдаги хўжалик моллари тайёрлаб, маҳаллий бозорларда сотишни йўлга қўйди. Йил оша тажриба тўплади. Омилкорликка интилувчан Аббосбекнинг кор-

хонасида бугун 45 нафар ишчи меҳнат қилапти.

— Айни пайтда 100 хил маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз, — дейди цех бошлиғи Рустамжон Жўраев. — Раҳбаримиз тадбирли йигит. Меҳнатимизнинг қадрига етди. Аббосбекнинг «Шухрат» медали билан мукофотланганлигини эшитиб, қалбимиз фахр-ифтихорга тўлди.

Мазкур корхона ҳузуридаги 10 нафар аъзони бирлаштирган БПТга ҳам Аббосбек етакчилик қилади. Партия туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Одижон Эркабоневнинг айтишича, мавжуд 27

та БПТ орасида «Имкон»даги қўйи бўғиннинг ўз ўрни бор. Бу ерда қўллаб тадбирлар ўтказилиб, партиявий лойиҳалар самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Корхонада соғлом меҳнат рақобати ўрнатилган. Утган 2014 йилда 1 млрд. 300 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилнинг дастлабки ярим йиллигида хорижга 200 миң АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди.

— Тадбиркор битта иш билан чегараланиб қолмаслиги керак, — дейди А.Холмирзаев. — 67 гектар ерда фермер

хўжалигини ҳам ташкил қилдик. Асосан чорвачилик йўналишида фаолият юритсақ-да, 15 гектар ерда пахта етиштиряпмиз. Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрами арафасида муҳтарам Президентимиз томонидан «Шухрат» медали билан мукофотланганимни мени янги ютуқлар сари ундаяпти.

Шу ўринда Аббосбекнинг фермер хўжалигида 60 бош қўй-эчки, 250 бош «Гольштейн» зотли қорамол парвариланаётганлигини таъқидлаш ўринли. Фермер хўжалиги қоридида сутни қайта ишлаш цехи бошлиғи, А.Холмирзаевнинг турмуш

ўртоғи Мамлакатхоннинг айтишича, бир кунда 2000 литр сут қайта ишланиб, 7 турдаги маҳсулот шартнома асосида таълим муассасалари, шифоналар, санаторияларга етказиб берилаётир. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорнинг ҳар ички соҳада ишлари беш. А.Холмирзаев келгуси йил бошидан савдо корхонасида ҳам, фермер хўжалигида ҳам фаолият турларини кенгайтириб, 50 та янги иш ўрни яратиш ва асосан коллеж битирувчиларини ишга қабул қилишни режалаштирган.

Азми қатъий ишбилармон

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг 2015 йилги вилоят босқичида «Ливадия-Бухара» хусусий корхонаси раҳбари Илҳом Сайфиев «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинацияси бўйича ғолиб топилган

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI asr»

Тўрт йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган «Ливадия-Бухара» хусусий корхонасида бугунги кунда 6 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилапти. Корхонада тайёрланаётган янги — инновацион инфрақизил импульсли қуриш ускуналаридан ҳам жойларда унумли фойдаланилмоқда. Икки йил олдин бу ерда ишловчилар сони атиги 12 кишини ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич эндиликда 65 нафарга етди. Улар орасида Бухоро енгил саноат касб-хунар коллежи битирувчилари ҳам оз эмас.

«Ливадия-Бухара» 2014 йилда 10500 АҚШ доллари миқдоридаги қуриш технологияларини экспорт қилишга эришган корхоналардан биридир. Жорий йил давомида эса 2 млн. доллар миқдоридаги қуриш маҳсулотларини хорижга сотиш бўйича шартнома имзоланган. Ҳозирги пайтда бир кеча-кундузда 3 тоннагача қуриш материал

тайёрланмоқда. Пайвандлаш, йиғув, қайта ишлаш ва қадоқлаш цехларида ҳаммиша иш қизғин. Бундан ташқари бошқа вилоятларда ҳам корхонанинг касаначилари борки, улар истеъмолчилар талаб-эҳтиёжини ўз вақтида қондириш йўлида самарали иш олиб боришяпти. «Ливадия-Бухара» корхонасида ишлаб чиқарилган ҳам меваларни қуришга мўлжалланган «Богбон» русумидаги замонавий ускуна жойларга етказиб берилганлиги касаначилар меҳнатини енгиллаштириб, уларнинг иш унумдорлигини оширяпти. Корхона маҳсулотларига бугунги кунда Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари, Сурхондарё вилояти, ҳатто яқин хорижда ҳам талаб катта.

Эндигина 42 баҳорни қаршилаган жонқур раҳбар, моҳир ташкилотчи Илҳом Сайфиев чет элда — музлатилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик концернда фаолият юритган йилларида ўзи-

нинг бутун куч-ғайрати, ишчанлик қобилияти ва раҳбарлик салоҳиятини сафарбар эта олган ва шу тариқа малакали ҳамкасблари хурмат-эътиборига сазовор бўлган эди.

Меҳнатсеварлик ва фидойилик, собитқадамлик ва азми қатъийлик сингари фазилатлар С.Сайфиевни бугун ҳам тарқ этган эмас. У бошчилик қилаётган «Ливадия-Бухара» хусусий корхонасида кейинги йилларда қўлга киритилган ютуқлар фикримиз далилидир.

Илҳомжон корхонада фаолият кўрсатаётган O'zLiDeP бошланғич ташкилотининг етакчиси сифатида ҳам 10 нафардан ортиқ маслақдош билан бирга партия мақсад ва вазифаларини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, хусусан, ҳудуддаги 55-маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли ховли-жойларда истиқомат қилувчи турли ёшдаги кишилар орасида либерал ғояларни кенг ёйишда фаоллик кўрсатапти. Кундалик партиявий фаолиятни талаб даражасида олиб боришда унга БПТ аъзолари — цех ишчиларидан

Хуршид Узоқов, Саноқул Тошев, Гулжаё Мажидова, Нигора Акрамова кўмақдош бўлишяпти. Олий маълумотли технологиялар Нарғиза Ходжаева, Ғулумали Пўлатов ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

— O'zLiDeP Дастурида белгилаб қўйилганидек, инновациялар модернизациянинг беш омилидир. XXI асрда жамиятнинг иқтисодий тараққиёти инновациялар асосида таъминланади. Бугун барчага аён бўлиши керакки, ким технологияларга эга бўлса, у рақобат курашида ғолиб чиқади. Партия юқори ишларни рағбатлантиришни фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, илмий-тадқиқот ва инновацион ишларни шакллантириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, илмий-тадқиқот ва инновацион ишларни рағбатлантиришнинг давом эттириш тарафдоридир. Корхонамизда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш бўйича белгиланган режа-топшиқлар ижро-

сини таъминлашда БПТ фаоллари алоҳида ибрат кўрсатишмоқда, — дейди И.Сайфиев.

Корхона раҳбарияти истиқболли режалар билан банд. Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажминини 2 млрд. сўмга, ходимлар сонини эса 150 нафарга етказиш, қўшимча тарзда 20 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, инфрақизил қуриш ускунасининг замонавий модели ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш имконини берадиган ускуналарни фойдаланишга топшириш, тайёр маҳсулотнинг 80 фоизини МДҲ ва Европа мамлакатларига экспорт қилиш, шунингдек, ўз ҳисобидан камиди 30 миллион сўмлик хайрия тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик. Бу ҳаётини нақл «Ливадия- Бухара» хусусий корхонасига ҳам тўла тааллуқлидир. Агар ўтган 2014 йилда корхонанинг умумий даромади 668 млн. 882 миң сўми, соф фойда эса

437 млн. 21 миң сўм ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигинида айнан шу кўрсаткичлар мисо равишда 650 млн. сўм ва 295 млн. сўм сифатида қайд этилди.

Вақти-вақти билан ташкиллаштириб келинаётган халқаро ва маҳаллий кўргазмаларда «Ливадия-Бухара» маҳсулотларининг ҳам юқори баҳолаб келинаётганлиги Илҳом Сайфиев ва унинг издошлари куч-ғайратини янада ошираётгани айни ҳақиқатдир. Бу кўргазмалар давомида бухоролик тадбиркор барча ҳамкасблари қатори ишончли ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли шартномалар тузишга эришяпти. Шу йилнинг февраль ойида Германиянинг Берлин шаҳрида ташкил этилган «Фрут Энд логистика» халқаро кўргазма-сида иштирок этиб, янги ҳамкорлар «Ливадия- Бухара» хусусий корхонасига ҳам тўла тааллуқлидир. Агар ўтган 2014 йилда корхонанинг умумий даромади 668 млн. 882 миң сўми, соф фойда эса

ЖАРАЁН

Фермерлик ҳаракати:

МУЛОҚОТ, МУЛОҲАЗА, МУШОҲАДА

Тошкент вилояти Фермерлар кенгашининг Бекобод туманида бўлиб ўтган сайёр йиғилиши қишлоқда саноатни жадал ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда кўп тармоқли фермер хўжалиklarининг тутган ўрни мавзуга бағишланди

Зиёдулла МҮМИНОВ, «XXI asr»

Бугунги кунда Тошкент вилоятида 6347 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Худудда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қарийб юз фоизи мазкур хўжалиklar улушига тўғри келади. Жорий йилнинг ўтган даврида маҳсулотни қайта ишлаш, сервис хизматлари кўрсатиш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик йўналиши бўйича 1 минг 806 та кўп тармоқли фермер хўжалиги ташкил этилгани алоҳида таъкидланди.

— 2015 йилнинг биринчи ярмида ташкил этилган кўп тармоқли фермер хўжалиklarининг қарийб 65 фоизи сабзавотчилик йўналишидадир, — деди йиғилишда вилоят Фермерлар кенгаши раиси Тўлқин Тўраев. — 1 та фермер хўжалиги асаларчилик, 176 таси боғдорчилик, 199 таси узумчилик ва қандадир хитсослашган. Кўп тармоқли

фермер хўжалиklarининг ташкил этилиши учун сарфланган 83 миллиард сўм маблагнинг 62 миллиард сўмдан зиёди фермер хўжалиklarни ҳисобидан қоплангани эътиборга лойиқдир. Натижада жойларда қишлоқ мулкдорлари томонидан 6 минг 156 та янги иш ўрни яратилди.

— Утган йилларга солиштирилса, вилоятда ердан олинаётган ҳосил ва даромад салмоғи ортаётгани яққол кўзга ташланади. Бу — фермер меҳнатининг рағбатлантирилаётгани, давлатлиги, ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилаётгани самараси, — дейди биз билан суҳбатда «Бекобод кўргони» фермер хўжалиги раҳбари Исмат Дадабоев. — Бир пайтлардагидек техника топилса ўғит, ўғит топилса техника етишмайдиغان кунлар ортда қолди. Масалан, бизнинг бекободлик фермерлар ҳозирда ҳар гектар ердан 5-6 миллион сўмдан кам даромад

кўришмаяпти. Кўп тармоқлилар-да бундан ҳам кўп. 100-200 ёки ундан ортиқроқ гектар ерга эга бўлган фермернинг иқтисодий ҳолатини энди ўзингиз чамалаб кўраверинг. Албатта, бундан фақатгина фермер эмас, балки хўжалиқда меҳнат қилаётган барча ишчилар манфаатдор бўлишаяпти.

Сайёр йиғилишда сўз олган Паркент туманидаги «Заркент санохоти» фермер хўжалиги раиси Норхол Деҳқонов ҳам бугун қишлоқ мулкдорларига нафақат маҳсулот етиштириш, балки сотиш, ҳатто экспорт қилиш учун ҳам имтиёзлар яратилгани, бу эса, ўз навбатида, фермерлар фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани баробарида улар зиммасидаги масъулиятни ошираётгани ҳақида тўхтади.

Мулоқот давомида ютуқлар билан бирга фермерлик ривожига тўғаноқ бўлаётган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этишга

оид фикр-мулоҳазалар ҳам баён қилинди. Хусусан, тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларда фермерларнинг дебиторлик қарзлари томонини энди ўзингиз чамалаб кўраверинг. Албатта, бундан фақатгина киритилиб, шундан 456 таси бўйича 4,1 миллиард сўмини ихтиёрий равишда фермер хўжалиklари ҳисоб-қақамига ундириб берилишига эришилгани, қаноатлантирилмаган талабномалар эса кейинги босқичда даъво аризалари сифатида судларга киритилгани, уларнинг аксарияти фермерлар фойдасига ҳал этилгани, кенгаш томонидан фермер хўжалиklarининг иқтисодий, молиявий ва бошқа масалалар юзасидан 252 та мурожаати ўрганилиб, 432 млн. сўмдан ортиқ маблағ ундирилгани иштирокилар эътиборига ҳавола этилди. Бу эса вилоят фермерларининг иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳам тажрибаси ортиб бораётганидан далолатдир.

Изланган иложини илғайди

Орамизда ўзининг юриш-туриши, замонавий фикри билан атрофдагиларга ўрناк бўлаётган аёллар кўпчилиكنи ташкил қилади. Сайхунободлик Гулханой Бобоқулова ана шундай юртдошларимиздан. Бошқалардан фарқли жиҳати шундаки, куюнчаклиги туфайли бошлаган ишини охирига етказмаса қўймайди

Дилора ЭСОНОВА, «XXI asr»

Гулханой 2014 йилдан буён «Ойдин йўл» маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаб келаяпти. Ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги боис ҳамқишлоқлари уни ҳам-жиҳатлик билан маҳалла раислигига сайлашди. Айни пайтда ишончли оқлаш мақсадида умид билан остона ҳатлаб келаётганларнинг муаммоларини жойида ҳал қилиб беришга интилади.

О‘zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини

ЁШЛАР ВА КАСБА УОШМАЛАРИ

Миллий матбуот марказида «Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг иштироки» мавзуди анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этувчи қўллаб қонун ҳужжатлари қабул қилингани ўз самарасини бераётир. Ёш авлодни ҳар томонлама етуқ, баркамол этиб вояга етказишдек олижаноб ишга касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

— Бугунги кунда 6 миллиондан зиёд касаба уюшма аъзоларининг 50 фозидан ортигини турли корхоналарда ишлаётган ёшлар ташкил этади, — деди мазкур ташкилот раҳбари Танзила Нарбоева. — Уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазиpлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишув, тармоқ ва худудий келишувлар, корхоналарда имзоланаётган жамоа шартномаларига «Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва нафолатлар» бўлими киритилган. Мазкур ҳужжатда белгиланган имтиёз ва нафолатлардан ёшларнинг тўлақонли фойдаланиши учун мунтазам мониторинг ўтказиб келинаяпти. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида ўзаро жамоа шартномалари орқали 1 минг 774 та ёш оиллага узоқ мuddат фойдаланиладиган уй жиҳозлари, иморат қуриш учун 33 млрд. сўмдан зиёд фозисиз ссуда берилди.

Ёшларга ўз бизнесини йўлга қўйишга қўмаклашиш мақсадида касаба уюшмаларининг «Ишонч телефонлари» ҳамда ҳуқуқий маслаҳатхоналари орқали доимий равишда бепул йўл-йўриқ ва тушунча бериб келинаятир. Анжуман давомида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, ёшлар учун 192 та янги иш ўрни яратилгани, хусусан, Наманган вилоятининг барча шаҳар ва туманларида биттадан маҳалла танланиб, сартарошхона, гўзаллик саломи, чеварлик, эшик-ром ишлаб чиқариш каби хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилгани, Пайариқ туманида «Пайариқ умидли келажак ёшлари» унитар корхонаси очилиб, 14 нафар ёшнинг бандлиги таъминлангани амалий ишларга мисол қилиб келтирилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан худудлардаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларга махсус стипендия таъсис этилган бўлиб, 2014 йилда 200 нафар, жорий йилда эса 300 нафар иқтидорли эҳтиёжманд талаба ушбу стипендия имкониятидан фойдаланмоқда. Тадбирда касаба уюшмалари томонидан ёшларни соғломлаштириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган акциялар, маданий-маърифий ва спорт йўналишларида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Дилноза НОМОЗОВА.

тия билан бирга кўради.

— Изланганга имкон бор, ишлаганга эса саодат, — дейди Г.Бобоқулова. — Мен туман марказидан анча олисда —14 километр узоқликда жойлашган мана шу Ойдин йўл қишлоғида тадбиркорликни бошладим, ҳақиқий мулкдорга айландим. Дастлаб бордордан иккита бузоқча олиб, 3 йил парваришладим. Уларни сотиб, пулига яна 4-5 та мол олдим. Беш-олти йил ичида сиғир-бузоқларни сони ўн тўрттага етди.

Қаҳрамонимиз ўз даромади ҳисобидан қишлоқда «Гулханой» хусусий дўкони фаолиятини йўлга қўйди. Утган йили эса «Сайхун нур» чорвачилик фермасини очди. Соҳага киришиб кетганидан кўрасидаги қорамоллар сони 45 бошни ташкил қилганини ҳам сезмай қолди.

бажариб келаяпти.

— Чека худудда бўлганимиз учун қишлоғимизда тикувчилик, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, сартарошхона, гўзаллик саломи, кийим-кечак тикиш устахонаси йўқ, — дея суҳбатни давом эттиради тадбиркор аёл. — Ваҳоланки, худудимизда 110 та хонадон, 134 та оилادا 600 нафардан зиёд киши истиқомат қилади. Шу боис «Агробанк»нинг Сайхунобод бўлимидан 50 миллион сўм кредит олиб, ана шу дарахтларни йўлга қўйиш, қишлоқдошларим оғирини енгил қилиш, янги иш ўринлари яратишни режалаштирмоқдаман.

Гулханойнинг айтганича бор. Ишлаганга ҳар доим имконият топилади, изланган эса ҳар қандай масаланинг ечимини ўз вақтида илғайди.

ҚАЛБЛАРДАГИ ШУКРОНАЛИК

Олтинкўлиklarини янги-янги марраларга руҳлантирмоқда. Истиқлол дунёқарашимизни ўзгартирди. Ҳаётимизга файз-барака бағишлади. Эришилаётган ютуқлар ҳар бир юртдошимизнинг қалбида қувонч, кўтаринки кайфият уйғотаётир. Эртанги кунимизга бўлган катта ишонч эса улар ижобатига руҳлантиряпти. — 2004 йилдан буён О‘zLiDeP аъзосиман, — дейди Олтинкўл туманидаги «XXI asr» спорт клуби раҳбари Шаробиддин Тошматов. — Партия менга тадбиркорлик, ташаббускорликни ўргатди. Айни пайтда клубда 60 нафардан зиёд ўсмир стол тенниси, футбол, волейбол, у-шу билан шуғуланмоқда. Бу нимадан далолат? Мазкур савоннинг жавоби аниқ: спорт билан дўстлашиш, мунтазам шуғулланиш учун энг аввало мунаввар тонглари яхши кайфият билан қарши олмақ зарур. Мен 43 йилдан буён спорт соҳасида меҳнат қиламан. Шундан 24 йили, яъни мустақиллик йилларида ўзбек спортининг дунё миқёсига шиддат билан кўтарилишига гувоҳ бўдим. Туманимиздаги оддий оилалардан бирода улгайган Мухаммадқодир Абдуллаевнинг бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлиши, Ойбек Мамазулонов, Мафтунa Толипова каби йигитқизларнинг танилишини ҳатто тасаввур ҳам эта олмадим.

Қалби покиза ниятларга тўла олтинкўлиklar бугун барча соҳаларда катта ютуқларга эришмоқдалар. Айниқса, деҳқончилик борасида ўзига хос мактаб яратган фермерларнинг муваффақиятлари эътирофга лойиқ. — 59 гектар экин майдонида деҳқончилик қиламиз, — дейди тумanning етакчи фермерларидан бири Умидахон Тожибоева. — 16 гектар майдондаги галладан юқори ҳосил олишга эришдик. Лўппи-лўппи очилган пахталарни кўриб кўзини қувнайди. Насиб этса, шунга яраша фойда оламиз. — Бугунги ёшлар кенг дунёқараш, сиёсий билимдонлиги билан дунё ёшлари билан тенгма-тенг бахслаша олади, — дейди Олтинкўл саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Машрабхон Холиқова. — Ҳар жабҳада фаол талабаларимиздан Дурдонахон Гофурова, Гулчиroy Исмонова, Исқандарбек Сотволдиев «Ишбилармон талаба» танловида голиб чиқиб, О‘zLiDePнинг махсус стипендияси совриндорлари бўлишди.

— Умуман олганда, Олтинкўлнинг тарақийётида партияни аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, — дейди О‘zLiDeP туман кенгашининг бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш бўйича консультанти Шахлохон Жалилова. — Бугунги кунда туманимизда 39 та БПТ 820 нафар сафдошимизни бирлаштириб турибди. Кенгашимиз раҳбари, «Кўчқаров Омад юлдузи» фермер хўжалиги раиси Тўлқинжон Кўчқаровнинг издошлари эса тобора ортиб бораётир. У кишининг бевосита қўмағи билан шу йил касб-ҳунар коллежини битирган Олтилло Абдуллаев фермер хўжалигини ташкил қилди.

Мухтасар айтганда, бугун мамлакатимизда бўлганидек, олтинкўлиklar ҳам истиқлол шарофати билан ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлмоқдалар. Яратувчилик ишчи, эзгу орзулар, улугвор максadлар уларни янада ойдин, янада ёруғ манзилларга чорламоқда.

Эльмира РАҲМОНОВА.

»РЕКЛАМА ЎРНИДА

Амалдаги натижа

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳияти тобора юқсалиб, улар ўз маҳсулотлари билан ташқи бозорда муносиб ўрин эгаллашмоқда. Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор



Фахриддин НУРАЛИЕВ, «XXI asr»

Хусусан, мазкур жамғарма-нинг Сирдарё вилоят филиали маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга хорижий харидорлар топиш, экспорт қилувчиларни эҳтимолли хавф-хатардан ҳимоя қилиш, бошқа маслакатлар қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензия ва сертификатлар олишда ҳуқуқий-ташқилый ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Натижада биргина жорий йил-нинг август ойида корхоналардан филиалга қўллаб муրжаатлар келиб тушди. Уларга ўз вақтида берилган амалий ёрдам туфайли жами 3 976,23 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

»РЕКЛАМА ЎРНИДА

Маҳсулот сифатига биз ҳам масъулмиз

Вилоятимизда корхоналар сони ортиши билан улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳам бир неча баробарга кўпайди. Ҳозирда худудда тиббиёт жиҳозларидан тортиб қурилиш, енгил саноат, озик-овқат, чарм-пойабзал маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилаяпти

Одилжон АҲМАТҚУЛОВ, «Сирдарё синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси директори

«GUL-REN TEKS», «SIRDARINSKIY BEREГ», «REKA MED FARM» қўшма корхоналари, «TEMUR MED FARM» МЧЖ каби 10 дан ортиқ корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эса хорижга экспорт қилинаяпти. Уларнинг сифати, маҳаллий ва хорижий истеъмолчи талаби даражасида тайёрланишида,

Марказимизда турли йўналишлар бўйича 22 мутахассис ишлаяпти. Уларнинг 97 фозини олий маълумотли ёшлар ташкил этади.

албатта, марказимиз мутахассисларининг ҳам ҳиссаси бор. Чунки вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган ёки хориждан келтирилаётган ва мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулотлар сифати доимо эътиборимизда. Утган йилнинг айни даврида тадбиркорларнинг 437 та мурожаати бўйича 60 хил маҳсулотга мувофиқлик сертификати берилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич анча ошди. Қолаверса, вилоятимиздаги кўп тармоқли фермер хўжалиklари ишлаб чиқараётган ва қайта ишланаётган қишлоқ хўжалик, озик-овқат маҳсулотлари ҳам лабораторияларимизда синовдан ўтказилаяпти.

Марказимизга қарашли лабораторияларни замонавий синов ва ўлчов воситалари билан жиҳозлаш, соҳани етуқ, малакали мутахассислар билан таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш юзасидан кўпгина

кор ҳал этиш мақсадида худудларда доимий равишда давра суҳбатлари ташкил этилиб, юзага келган саволлар бўйича аниқ тушунтиришлар бериб келинмоқда. Хусусан, яқинда Гулистон туманида Юртбошимизнинг шу йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жудал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони моҳиятини тадбиркорларга атрофлича тушунтириш, бизнес муҳитини янада яхшилаш ҳамда экспорт салоҳиятини кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирлари ишлаб чиқиш, маҳаллий корхоналарни экспорт фаолиятига кенг жалб қилишга оид давра суҳбати ташкил этилгани айни мuddао бўлди.

Умуман олганда, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Сирдарё филиали жамоаси хорижий давлатларнинг ташқи савдо амалиёти билан боғлиқ қонунчилик меъёрларини чуқур ўрганиш, жойларда тадбиркорлар билан бевосита учрашувлар ташкил этиш орқали уларга амалий ёрдам қўрашти, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортименти ва турлари, шунингдек, ташқи бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш учун бор имкониятларини сафарбар этмоқда.

Ҳизматлар лицензияланган.

»РЕКЛАМА ЎРНИДА

»РЕКЛАМА ЎРНИДА

ташкил этдик. Бунда ёш мутахассисларимизга кўпроқ таянаямиз. Марказимизда турли йўналишлар бўйича 22 мутахассис ишлаяпти. Уларнинг 97 фозини олий маълумотли ёшлар ташкил этади. Соҳа тарақийёти мутахассисларимиздан янада кўпроқ билим ва тажрибага эга бўлишни талаб этаётгани боис уларнинг малакасини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиб беришга катта аҳамият қаратаяптиш. Шу мақсадда ўтган 2014 йилда 10 нафар ходимимиз агентлик тизимидаги Стан-дартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида эса 8 нафар мутахассисимиз агентлигимизнинг турли бошқармалари ва илмий-тадқиқот институтида малака ошириб қайтдилар.

Бугунги кунда бутун дунёда долзарб масалалардан бири бўлиб турган озиқ-овқат хавфсизлиги ҳам диққатимиз марказида. Бу борада корхонамиз мутахассислари халқроа ISO: 22000 ва ОНSAS:18001 стандартлари бўйича малака оширишларини режалаштирганмиз. Айниқса, соҳага қизиқувчан, чет тилларни биладиган, ахборот-коммуникация технологияларини пухта ўзлаштирган ёш мутахассисларга имконият яратаяпмиз. Гулистон давлат университети ва марказимиз ўр-тасидаги келишувга асосан 30 дан ортиқ талаба марказимиз лабораториялари, бўлиmlари-да амалиёт ўтамоқдалар. Яъни келажакда уларнинг яхши мутахассис бўлиб етишишлари учун ҳозирдан замин ҳозирляпмиз.

Ҳизматлар лицензияланган.

НООДАТИЙ СОЛИҚЛАР

Маълумки, ҳар бир давлат учун солиқ сиёсати энг долзарб масалалардан биридир. Бу бежиз эмас. Чунки юрт тараққиёти, миллат фаровонлиги айнан оқилона солиқ сиёсати юритиш билан чамбарчас боғлиқ

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Тарихий манбаларда келтирилишича, солиқлар инсоният цивилизацияси билан бирга ривожланиб, унинг ажралмас қисмига айланган. Илк кўриниши тизимсиз тўловлар, яъни натура шаклида бўлган. Аҳоли солиқларни экинлар ҳосили, савдо-сотик ҳамда овлаган ҳайвонлари ҳисобидан тўлаган.

Давлат тизимининг вужудга келиши ва ривожланиши уз-ўзидан солиқ сиёсатини ҳам такомиллаштиришни тақозо қилди. XX аср ўрталарида ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан чамбарчас ҳолда бу борада замонавий қонуниятлар яратилди. Бугунги кунда солиқ сиёсатини Америка, Европа ва Япония моделлари мавжуд.

Америкача моделда федерал, штат, шаҳар ва маҳаллий солиқ турлари алоҳида ўрин тутишини қайд этиш жоиз. Бунда федерал бюджет таркибиде солиқларнинг улуши оқирорқ бўлиб, аҳолидан олинмаган даромад солиғи бюджетнинг асосий қисмини ташкил этади. Масалан, АҚШда эр-хотиннинг биргалликда ёки яқка тартибда солиқ декларациясини тўлдирishi оилавий шароитга қараб гуруҳланади. Бу эса солиқ тўловчига маълум имтиёзлар беради.

Солиқ сиёсатининг европача модели яратилишида Германия, Буюк Британия ва Франциянинг алоҳида ўрни бор. Хусусан, Германия солиқ тизими ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мамлакатда асосий масалалардан бирига айланган. Яъни, солиқ ундиришда фуқароларнинг турмуш даражаси, оилавий аҳоли, болалари сони инобатга олинади. Шу боис солиқ ставкалари айнан маҳаллий органларнинг тахлили ва таснифи асосида белгиланади.

Умуман олганда, солиқларни мамлакат иқтисодиётининг «генератори» си-

фатида оқилона ва одилона жорий этиш замон талабидир. Аммо жаҳоннинг айрим мамлакатларида уларнинг ғайриоддий турлари ҳам жорий этилган. Мисол учун, АҚШ ҳуқумати 2007 йилда солярий (қуёш ваннаси қабул қилинадиган жой, майдонча) да офтобда тобланган ҳар бир америкалик кўрсатилган хизматнинг 10 фоизи миқдорда қўшимча солиқ тўлаши белгиланган. Эстонияда эса сигирларга солиқ солинган. Бунга ишонинг қийин, албатта. Лекин 2008 йилда мамлакат ҳуқумати сигир эгаларига ҳайвон чиқараётган газлар ҳавони ифлослантираётгани учун ушбу солиқни қўллаган. Қизиги, бу солиқ бошқа жонзотлар учун амал қилмайди.

Жанубий Африка республикасида касбий малакани оширганларга солиқ солиниши айна ҳақиқат. Масалга оидинлик киритадиган бўлса, ёлланган ишчиларга эга бўлган барча корхоналар мана шу солиқни тўлашга мажбур. Унинг ставкаси — барча ходимлар ойлик иш ҳақининг 1 фоизини ташкил этади. Бунда ишчилар солиқ тўлаганиги учун малакасини оширишга ўзлари ҳаракат қилишлари назарда тутилган.

Марказий Европада жойлашган Австрия ҳам бу борада ЖАРдан қолишмайди. Маълумки, ушбу мамлакат ҳудудининг 75 фоизини Шарқий Альп тоғлари ва тоғолди ҳудудлари эгаллаган. Бу эса чангида учини учун барча шароит муҳайё, дегандир. Маълумотларга қараганда, ҳар йили 150 минг чангисевар қўл ва оёқларини синдириб, турли даражада тан жароҳати олишади. Айни сабабга кўра ҳукумат гипс учун солиқ солишини жорий этди. Бу ҳам етмаганидек, Майорка, Менорка ва Балеар оролларида туристлар кунига қўлиқ ставкалари айнан маҳаллий органларнинг тахлили ва таснифи асосида белгиланади. 2012 йилда ушбу ҳудудларга 10 миллионга яқин сайёҳ ташриф

буюрганини инобатга олсақ, маҳаллий бюджетга яхшигина маблағ тушаётгани ойдинлашади.

Хитойда овқат ейишга мўлжалланган чўлларга солиқ солингани эса кўпчиликни ҳайрон қолдириши табиий. Хўш, ушбу солиқ турини жорий этишнинг сабаби нимада? Хитойда ҳар кун 45 миллиард бир марталик овқат таёқчаларидан фойдаланилар экан. Уни ишлаб чиқаришга эса йилига 25 миллионга бамбук дарахти кесиларди. Шунинг учун ҳукумат бир марталик бамбук таёқчаларига 5 фоизлик солиқ солган. Бу аҳолининг кўп марталик пластик таёқчалардан фойдаланишини таъминлаши керак эди. Бироқ анъаналар иқтисодий манфаатлардан устун бўлиб чиқмоқда.

Кўпчиликка яқин маълумки, бамбук дарахти хитойликлар учун алоҳида аҳамият касб этади. У жуда қийинчилик билан ўстирилади. Ёмғир мавсумида уруғ чуқур қазилган ерга кўмилаган, роса сугорилади. Бу иш бир йил давом этади. Қазилган чуқурга маҳаллий ўнгит ташлаб, тинимсиз сув бериб борилади. Энг қизиги, уруғ беш йил деганда униб чиқар экан. Кўзарган бамбук дастлабки икки йилда фақат беш сантиметр буй чўзади. Иккинчи йилнинг охирида эса ўсиши тезлашиб, пировадидида унинг буйи 27 метрга етади. Шу боис Хитойда бамбук ўстириш сабр тимсоли сифатида қадрланади.

Энди Венгриянинг солиқ сиёсати ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. 2011 йил 1 сентябрдан буён Дунай дарёсининг ўрта оқимида жойлашган ушбу давлатда носоглом озиқ-овқатларга солиқ солинган. Бу солиқ турли қадоқланган махсулотлар, масалан, чипс, шўр ва ширин печенье, ўралган ширинликлар, шунингдек, энергетик ичимликларга тааллуқлидир. Венгрия ҳуқумати мана шу йўл билан аҳолининг саломатлигини яхшилашни мақсад қилган.

Тарихнинг турли даврларида шунга ўхшаш ноодатий

солиқ турлари жорий этилган экан. Хусусан, XVII-XVIII асрлар давомида Англия ва Шотландия қиролликларида дераза учун солинадиган солиқлар амалда бўлган. Уни тўлашга имкони бўлмаган фуқаролар дераза тешиқларига ғишт теришган. Бадавлат британияликлар эса ўз уйларининг ташқи кўринишини бузмаслик учун етишмаётган деразалар шаклини чизиб кўйишган. Бу солиқ тури 1851 йилга келиб бекор қилинган.

Энг ғайриоддий солиқ турларидан бири Тибетда жорий қилинган экан. Салкам бир аср муқаддам бу ерда қулоқ солиғи ундирилган. Ушбу солиқ турининг мавжуд бўлгани манбаларда турлича талқин қилинади. Хусусан, хитойлик тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, ҳар бир уй хўжалиги одамнинг ёки уй ҳайвонининг қулоғи учун бир лян кумуш танга тўлаган. Фарблик тадқиқотчилар эса қулоқ солиғини тўламаган одамларнинг қулоғи кесиб ташланганини қайд этишади. Кесилган қулоқлар учун солиқ тўланмаган.

XVI-XVIII асрларда Германиянинг Вюртемберг шаҳрида чумчуқларга солиқ солинган. Бу қушлар аҳолининг тинч яшашига халақит беради, деб ҳисобланган. Шу боис ҳар бир уй хўжайинидан кунига чумчуқ ўлдириш талаб этилган. Бунинг учун у 6 крейсер олган. Агар фуқаро талаб этилган миқдордаги чумчуқни тақдим этмаса, давлатга икки барабар кўпроқ пул тўлаши керак бўлган.

Бугунги кунда аҳвол бутунлай бошқача. Ҳозирда дунё мамлакатлари солиқ сиёсатини имкон қадар енгил ва содда кўринишга олиб келмоқдалар. Боиси солиққа тортиш шартлари қулай, фойда олиш коэффициенти юқори, ҳисобот топшириш нисбатан енгил, харажатлар камроқ бўлган ҳудудларга сармоя оқиб келмоқда. Бу эса мамлакат иқтисодиёти гуллаб-яшнашининг энг муҳим шартларидан биридир.



БУҲОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

ёшларни тарбиялаш, уларга илм-маърифат бериш йўлида бор салоҳиятини аямай хизмат қилаётган ўқитувчилар ва мураббийларни касб байрамлари билан самимий қутлайди. Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз, Ватанимиз равнақига хизмат қиладиган ворисларни тарбиялаш борасидаги серқирра фаолиятингизда янги муваффақиятлар ёр бўлсин!



Жамият ва ННТ

Самарқанд вилоят Адлия бошқармасида ННТларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга бағишланган семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон ННТлари Миллий ассоциацияси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этдилар

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI asr»

Матбуот конференцияси билан бошланган тадбир аввалида ЎзННТ Миллий ассоциациясининг 10 йиллик фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

— Муस्ताқил юртимиз тараққиётида нодавлат нотижорат ташкилотларининг муносиб улуши бор, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилором Файзиева. — 2008 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинганидан сўнг парламент кўйи палатаси ҳузурда Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, унинг молиявий маблағларини бошқарувчи Парламент комиссияси ташкил этилган, ННТлар фаолияти сезиларли даражада яхшиланди. Давлат бюджетидан ажратилган грантлар, субсидиялар ва ижтимоий буюртмалар шаклида фуқаролик жамия-

ти институтларини қўллаб-қувватлаш тизими янада мукамаллашди. Утган давр мобайнида комиссияга тақдим этилган ҳаётбахш лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан 45 млрд. сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, жамоат ташкилотларини ривожлантириш учун жалб қилинган инвестициялар ҳажми 2,5 баробарга ортди. Натижада нодавлат нотижорат ташкилотлар жамиятининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаолиятида қизғин иштирок эта бошладилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунлари лойиҳаларини муҳокама этишда фаол қатнашдилар.

— Бугунги тадбирда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва ННТларнинг ижтимоий ҳамкорлик соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат ижтимоий буюртмаларини тақдим қилиш ва грант танловларини ажратиш тартиби ҳақида ҳам йиғилганларга атрофлича маълумот берилди, — деди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд

вилоят ҳудудий бўлинмаси масъул ходими Жамила Вафаева. — Ушбу қонун лойиҳаси вилоятимизда 6 марта муҳокама қилиниб, қирдан ортиқ тақлиф тақдим этилди. Худуддаги бир неча ННТ давлат органлари билан меморандумлар тузди. Демак, мазкур қонун нафақат ҳуқуқий имкониятлар беради, балки давлат идоралари ҳамда ННТлари олдига муайян мажбуриятлар ҳам қўяди. Ана шу талабдан келиб чиқиб, халқ депутатлари вилоят кенгашининг ўтган сессиясида «Худудда ижтимоий шериклик бўйича жамоат кенгаши» тузилди.

Тадбир давомида «Давлат бошқаруви органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шериклиги — ННТ дастурлари, жамият ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари сифатли ва самарали бажарилишининг кафолати» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилиб, интерактив машғулотлар уюштирилди. «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида» ҳамда «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа қатламларига ижтимоий хизмат кўрсатиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларининг тақдими ўтказилди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«ШҮРТАНГАЗКИМЁ» мажмуаси жамоаси

Ватанимиз келажаги бўлмиш
навқирон авлодни тарбиялаш,
таълим-тарбия бериш,
уларни комил фарзанд сифатида
камол топтириш йўлида астойдил
меҳнат қилаётган устозларимизни

1 ОКТЯБРЬ —

ЎҚИТУВЧИЛАР
ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

билан самимий муборакбод этади.

Сиз шарафли касбингиз орқали
эл-юртнинг ҳар қанча ҳурмати ва
ардоғига сазоворсиз.

Оилаларингиз тинч-хотиржам,
дастурхонингиз тўкин-сочин бўлин, азизлар!

Хизматлар лицензияланган.



«Қалб қувончим — она Ватаним!»

Сирдарё вилояти Маънавият ва маърифат марказида тасвирий ва халқ амалий санъати йўналишида ижод қилаётган истеъдодли ёшлар — Шоҳсанам Бойчибоева, Вилоят Бозорова ва Моҳина Райимованинг ижодий ишлари жамланган «Қалб қувончим — она Ватаним» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Иштирокчиларнинг эътиборини тортган Шоҳсанам ёш бўлишига қарамай 2013 йилда Ўзбекистон Бадий академиясининг «Олтин медал»га сазовор бўлган эди. 2014 йилда эса «Ватаним тараққиётга менинг ҳиссам» кўрик-танловининг вилоят ва республика босқичлари галиблари қаторидан ўрин олди. — Асосан халқ амалий санъати йўналишида ижод қиламан, — дейди республика дизайн коллежи талабаси Ш.Бойчибоева. — Оқдиг чиганоклардан фойдаланиб, атлас ва адрас матолари бўлаклари устида санъат намуналари яратишга интиламан. Республика расмчилик коллежини тамомлаган Вилоят Бозорова эса асосан портрет жанрида ижод қилади. Ёш мусаввирга бу йил «Юрт келажаги» республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг галиби бўлишдек бахт nasib этди. Моҳина Райимова Гулистон шаҳридаги мактабгача таълим ва ҳизмат кўрсатиш коллежининг учинчи босқич талабаси. Унинг Сирдарёдаги кўҳна Сардоба тасвири туширилган бир қатор асарлари кўргазма иштирокчиларига манзур бўлди. Моҳина жорий йил апрель ойида ўтказилган тасвирий санъат ҳафталигида Ўзбекистон Бадий академиясининг «Олтин медал»га сазовор бўлди.

Ёш мусаввир ва ҳунармандларга Маънавият маркази ва Бадий ижодкорлар уюшмаси вилоят бўлиmlарининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдик совғалари топширилди.

Дилора ЭСОНОВА.

РЕКЛАМА

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш. Усмон Носир кўчаси, 113-уй. Мўлжал: Жакубой воқсал.
Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;
(99871) 140-44-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38
www.sardor-avto.uz

Махсусотлар сертифициланган.

РЕКЛАМА

«Асака» банк

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

миллий валютада:	хорижий валютада:
<p>«БАРАКАЛИ»</p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 6 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>	<p>«ШОДИЁНА» (АҚШ долларарида)</p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>
<p>«БАҲОР»</p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>	<p>«МАДАД» (АҚШ долларарида)</p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>
<p>«ФАРОВОН ТУРМУШ»</p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.</p>	<p>«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)</p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>
<p>«ИМТИЁЗЛИ»</p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади.</p>	

Шу билан бирга «Асака» банк қулай шартларда миллий ва хорижий валюталардаги 40 дан зиёд омонат турини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	225-44-03
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сергели филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	224-00-16
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармомянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

www.asakabank.com Хизматлар лицензияланган.